

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 23

Бухоро шаҳри

«25» «январь» 2022 йил

ООО «Axmedov Bobur Chorvasi» корхонаси, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Б.Ахмедов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи ва бош врач Хслов.Ў.А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган сут(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса сут(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|--|---------------|------|-------|----------|
| 1 | Сут | литр | 1500 | 4000 | 6000000 |
| 2 | Қатиқ (қадоқланган) 400гр | литр | 500 | 4000 | 2000000 |
| 3 | Сметана қадоқланган 15% дан кам бўлмаган | литр | 50 | 8500 | 425000 |
| 4 | Творог | кг | 100 | 24000 | 2400000 |
| | Жами | | | | 10825000 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган сут (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» Декабргача 2022 йилгача

ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 10825000 (Ун миллион саккиз юз йигирма беш минг) сумни ташкил этади

2.2. Сотиб олинган сут (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 3247500 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг _____ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 7577500 сўмни яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабрьгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Сут (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Сут (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган сутлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз сут (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сут (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.